

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ КАДРЛАРИ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ КАДРЛАРИ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ИНСТИТУТИ**

Ҳамидов Жалил Абдурасулович

**БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ
ТАЙЁРЛАШДА ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДИДАКТИК
ВОСИТАЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА ҚЎЛЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
(5111000 - Касб таълими “Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг
эксплуатацияси” таълим йўналиши мисолида)**

13.00.05-Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**Оглавление автореферата докторской диссертации****Contents of the abstract of doctoral dissertation****Ҳамидов Жалил Абдурасулович**

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг
замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси .. 3

Ҳамидов Жалил Абдурасулович

Технология создания и применения современных дидактических средств
обучения при подготовке будущих учителей профессионального
образования 31

Hamidov Jalil Abdurasulovich

Technology of creation and application of modern didactic means of training
at preparation of future teachers of professional education 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 63

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ КАДРЛАРИ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ КАДРЛАРИ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

ҲАМИДОВ ЖАЛИЛ АБДУРАСУЛОВИЧ

**БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ
ТАЙЁРЛАШДА ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДИДАКТИК
ВОСИТАЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА ҚЎЛЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**
(5111000 - Касб таълими “Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг
эксплуатацияси” таълим йўналиши мисолида)

13.00.05-Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

3

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1. DSc/Ped 23 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Ходжабоев Анарбой Рустамович педагогика
фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Муслимов Нарзулла Алихонович педагогика
фанлари доктори, профессор

Олимов Ширинбой Шарофович
педагогика фанлари доктори, доцент

Рахимов Бахтиёр Худайбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ҳузуридаги илмий даражалар

берувчи DSc.27.06.2017.Ped 48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил “___” _____ соат___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Олмазор т., Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17, факс: 246-90-37, E-mail: moqt@markaz.uz).

Диссертация билан Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент ш., Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17; факс: 246-90-37; moqt@markaz.uz).

Диссертация автореферати 2017 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2017 йил “___” _____да ___ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.Э.Қурбанов

Фан доктори илмий даражасини бериш бўйича
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

С.Ю.Ашурова

Фан доктори илмий даражасини бериш бўйича
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доц.

З.К.Исмаилова

Фан доктори илмий даражасини бериш бўйича
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., проф.

4

Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим соҳасидаги ривожланиш тенденциялари ахборотлашган жамиятда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини кенгроқ жорий этиш ва уларнинг самарадорлигини янада оширишнинг долзарблигини кўрсатмоқда. Европа мамлакатларига хос глобал таълим муҳитини шакллантиришга илмий ёндашувлар контекстидаги “мегатенденциялар” кўрсатадики, таълимнинг узлуксизлиги ва амалий йўналганлигини таъминлаш, мустақил таълим олиш, ижодий ривожланишга йўналтириш, ўқитишнинг янги форматларини фаол ривожлантиришда замонавий дидактик воситаларни яратиш ва улардан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда мустақиллик йилларида кадрлар тайёрлашнинг янги тизими яратилиб, мутахассислар сифатига қўйиладиган замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали, рақобатбардош, танлаган таълим йўналиши бўйича мустақил ишлай оладиган, мамлакатнинг илмий техник, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига муносиб ҳисса қўшишга қодир, жадал илгарилаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт шароитига мослаша оладиган, юксак маданий ва маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш изчил амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлашда янада юқори натижаларга эришиш

учун таълимнинг якуний мақсадларини адекват англаш, уни такомиллаштириш ва мазмунан замонавийлаштириш, айниқса, ўқитишнинг интерфаол методлари ва замонавий дидактик воситаларини, супертьюторлар (машқ қилдирувчи дастурлар), касбий тьюторлар (касбий фаолиятга оид дастурлар асосида яратилган ўқув материаллари) шаклидаги ўргатувчи компьютер дастурларини қўллаш ва ривожлантириш борасида кенг қамровли мақсадли ишларни амалга ошириш таълим-тарбия соҳасидаги стратегик вазифаларнинг асосий йўналишлари билан белгиланади. Бугунги кунда олий таълим муассасаларида таълимни ташкил этишнинг дастурий-методик таъминоти, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг миллий ва жаҳон таълим тажрибасига асосланган ташкилий педагогик механизмларини такомиллаштириш орқали мамлакатимиз интеллектуал ресурслари потенциалини ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига¹ мувофиқ “Ўзлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” бугунги кунда муҳим вазифалар ҳисобланади. Жумладан, касб таълими ўқитувчиларини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39.

тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини қўллаш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида шахснинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга имкон берувчи замонавий дидактик воситаларни ўқитишнинг босқичли (фазали) модели асосида қўллаш (импринтинг - ўқув материали мазмунини идрок қилиш; меорайзинг - эслаб қолиш; авторизация - ўқув материали мазмунини англаш ва уни қайта тиклаш; инициация-ўзлаштирилган билимларни баҳолаш ва эътироф этиш фазалари); касбий компетенцияларни ўқитишнинг замонавий технологиялари воситасида шакллантиришнинг янги моделларини ишлаб чиқиш; ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ўқитишнинг анъанавий ва замонавий усулларида комплекс фойдаланиш; бўлажак ўқитувчиларни ижодий ва илмий-тадқиқот ишларига йўналтиришда, умуминсоний ва таълимий кадриятларнинг моҳиятини очиб беришда ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар

таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини яна такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-1761 сон, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5099-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация респуб.лика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлаш технологияларини,

¹Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи www.myhomelatvia.com/se/novosti/index; www.jurnal.org/articles/2008/ped9.html; <http://uk.itec-group.ru;http://iiblibrary.by/portalus/modules/pedagog-ics/referat> www.duskyrobin.com/tpu/2005-01-00045.pdf (Incheon Declaration/ Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea). Jacqueline S.Goldberg, Bryan R.Cole, Quality Management in Education: Building Excellence and Equity in Student Performance. QMJ Vol. 9, № 4 / 2002, ASQ; El-Khawas E. Accreditation's role in quality assurance in the United States // Higher Education Management, November 1998. Vol.10, №.3. p.43-56; Harvey L. External quality monitoring in the market

ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш билан боғлиқ изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Chicago university (АҚШ), Belfield pedagogical university (Германия), National Advice on pedagogical technology (Англия), Seoul Cyber University (Жанубий Корея); Педагогик технологиялар маркази (Россия), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Олий таълим муассасаларида талабаларни касбий тайёрлаш жараёнида ўқитишнинг дидактик воситаларини қўллаш муаммоси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ўқитишнинг анъанавий ва замонавий дидактик воситалари асосида талабаларнинг ижодий имкониятларини ривожлантиришнинг интегратив технологияси ишлаб чиқилган (Chicago university, Америка); идрок қилишнинг визуал ва аудио воситалари орқали таълим олувчиларнинг касбий шаклланишига мақсадли комплекс таъсир кўрсатиш методикаси ишлаб чиқилган (Institute named after Frick Bauer, Германия); ўқитишнинг замонавий технологиялари (тьюторлик тизими,

ихтисослаштирилган таълим, модулли ўқитиш, бригада-индивидуал ўқитиш, ўзаро ўқитиш ёки ўзаро маслаҳат) асосида бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал ва психоэмоционал ривожлантириш тизими яратилган (National Advice on pedagogical technology, Англия); мобил электрон курилмалар базасида электрон таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш механизми ишлаб чиқилган (Seoul Cyber University, Жанубий Корея); бўлажак ўқитувчиларда лойиҳалаштириш кўникма ва малакаларини ривожлантиришга оид таълимнинг янги технологиялари ишлаб чиқилган (Педагогик технологиялар маркази, Россия); касб таълими ўқитувчиларини масофадан ўқитишнинг ахборот таълим муҳитини яратишнинг назарий-методик ва ташкилий-педагогик асослари ўқув методик ва ахборот таъминотини мустаҳамлаш асосида такомиллаштирилган (Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти, Ўзбекистон).

Бугунги кунда жаҳонда таълимнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда устувор тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш бўйича концептуал лойиҳалаштиришга асосланган янги назарий концепцияларни ишлаб чиқиш; ўқитишнинг замонавий дидактик воситаси тузилмаси блоклари мазмунини такомиллаштириш; ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларидан фойдаланиб таълим жараёнини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш; ўқитишнинг компьютер воситаларини яратиш назарияси ва технологиясини янги илмий-педагогик ёндашувлар асосида такомиллаштириш; замонавий ўқитиш воситаларининг таълим

place // Tertiary Education and Management. Vol.3, № 1 / 1997. p. 25-35.; Westerheijden D.F. Systems of quality assessment in European higher education: paper ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

7

жараёни сифатига таъсирини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш; ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш; ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларидан фойдаланишнинг дастурий-методик таъминотини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни жадалаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Таълимни ахборотлаштириш жараёни, шуҳбасиз, ватанимиз келажagini таъминловчи ёшларга таълим-тарбия берувчи ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан касбий фаолияти жараёнида фойдаланиш компетентлигига узвий боғлиқдир. Бу эса бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологиясини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш муаммоси бўйича хорижий мамлакатлар

ва ватанимиз олимлари томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Ш.Курбонов, Э.Сейтхалилов¹ ва бошқаларнинг қўлланмаси Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини татбиқ этиш жараёнида таълим сифатини бошқаришга бағишланган фундаментал ишлардан бири бўлиб, унда таълимни ташкил этишнинг назарий, методологик, ташкилий, педагогик жиҳатлари, таълим жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш муаммоси, узвийлик ва узлуксизлик тамойилига кўра таълимнинг барча турлари очиб берилган ва батафсил тадқиқ этилган.

Касб таълимининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни, қонуниятлари ва тенденциялари, бўлажак ўқитувчиларни касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш муаммолари Р.Х.Жўраев, П.Т.Магзумов, У.Н. Нишоналиев, А.Р.Ходжабаев, Х.Ф.Рашидов, У.И.Иноятлов, Н.А. Муслимов, Ш.Ш.Шарипов, М.Б.Ўрозова, Ю.К.Бабанский,² О.А.Абдулина, Э.Ф.Зеер, И.Я.Лернер, И.С.Яхиманский, Н.Н.Азизходжаева, А.А.Вербицкий, В.П.Беспалько, А.В. Долженко, В.А. Сластенин, Н.Ш. Шодиев, Қ.Т.Олимов, Ў.Қ.Толипов, Б.Л. Фарберман ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган. Н.Н.Азизходжаева, Ў.Қ.Толипов, Б.Зиёмухамедов, Н.Саидахмедовлар³ олий таълим муассасаларида педагогик технологияларни қўллаш масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширганлар.

¹ Курбонов Ш.Э., Сейтхалилов Э. Таълим сифатини бошқариш. / Т.: "Турон-Иқбол", 2006.-592 б. ² Жўраев Р.Х.

Таълимда интерфаол технологиялар. - Тошкент, 2010. 87 б.; Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед.фан. докт. ... дис. Автореф. Ташкент: ТДПУ, 2007.-47 б.

³ Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство/Учеб.пособие для магистров всех специальностей. – Тошкент: ТГПУ, 2003.-193 с.; Сайидахметов Н.С. Педагогика амалиётида янги технологияларни қўллаш. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.-154б: Цой М.Н., Джураев Р.Х., Тайлаков Н.И. Создание электронных учебников: теория и практика. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. - 192 с.; Ходжабаев А.Р. Научно педагогические основы учебно-методического комплекса подготовки учителя труда: Дис. ... докт. пед. наук. - Т.: 1992. - 406 с.; Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлар янги авлодини яратишнинг назарий - услубий асослари: Пед. фан. докт. ... дис. - Т.: 2005. - 232 б.

Таълимда ахборот технологиялари ва ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларидан фойдаланишнинг назарий ва амалий асослари А.А.Абдукодиров, У.Ш.Бегимкулов, У.Юлдашев, Н.И.Тайлоқов¹ ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ҳамдўстлик мамлакатлари олимлари А.Б. Ершов, А.А.Кузнецов, В.С. Леднев, В.Г.Разумовский, А.В.Дуйсенбоев ва бошқаларнинг ишларида таълимни ахборотлаштиришнинг методологияси, А.Г.Гейн, С.А.Жданов, А.А.Кузнецов, И.Г.Захарова², Е.С.Полат, И.В.Роберт ва бошқаларнинг тадқиқотларида таълимни ахборотлаштириш назарияси, методикаси ва амалиёти, В.Н.Агеев, С.Т.Григорьев, А.П.Зайцев, В.П.Довуннинг ишларида замонавий ўқув дастурий таъминотни яратиш масалалари тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакат олимлари И.В.Роберт, А.Ю.Уваров, А.Борк, М.Кларк, Д.Хен ва бошқалар эса педагогик дастурий воситаларни яратишда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш назарияси бўйича тадқиқотлар олиб боришган.

Олий таълим муассасаларида касб таълими жараёнида техник, технологик ва ихтисослик фанларини ўқитиш, мавжуд педагогик дастурий воситалар ва педагогик амалиёт ҳолатини таҳлил этиш натижалари қатор номутаносибликлар мавжудлигини кўрсатди: Жумладан:

жамиятнинг ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, ўқитиш-нинг замонавий дидактик воситаларини ўқув жараёнида қўллай оладиган юқори малакали касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашга ижтимоий буюртмаси ва ўқув жараёнида фойдаланишга оид дидактик, ўқув-методик таъминотнинг етарли эмаслиги ўртасида;

анъанавий таълим методикаси ва воситалари асосида ўқитиш билан мутахассиснинг ахборот маданияти, касбий кўникмалари ва билимлари даражасига замонавий талаблар ўртасида;

олий таълим муассасалари касб таълими йўналишларида техник, технологик, умумкасбий тайёргарлик ва ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнида ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларига эҳтиёж билан бундай воситаларнинг етарли эмаслиги ўртасида.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштириш муаммоси бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашга ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллашнинг психологик педагогик ва дидактик имкониятлари, методикаси, илмий асослари тўлиқ очиб берилмаган, уларни такомиллаштириш муаммоси махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса, бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда

¹ Тайлаков Н. И. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг илмий-педагогик асослари (информатика курси мисолида): Автореф. дис. ... пед. фан. докт. - Т.: 2006. – 48 б. ² Захарова И.Г. Формирование информационной образовательной среды высшего учебного заведения. Автореф. ... д ра пед. наук.-Тюмень, 2003. - 46с.

ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологиясини тадқиқ этиш заруратини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А.3.11 “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги раҳбар, бошқарув кадрларини, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини такомиллаштиришнинг илмий-услубий асослари” (2008-2010), ЁА-1-16 “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги раҳбар ҳамда педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича малакавий тайёргарлик даражасини квалиметрик баҳолаш” (2016-2017), Жиззах политехника институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-049 “Талабаларда ассертив хулқни

шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” (2017-2021) мавзусидаги грант лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини қўллаш технологиясини интегратив ёндашув асосида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

психологик-педагогик адабиётларни назарий таҳлил этиш асосида олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш муаммоси ҳолатини ўрганиш;

касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси асослари ва тамойилларини, уларнинг умумий тузилмаси ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини ошириш ва уларда методик кўникмаларни ривожлантириш жараёнида ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари ва умумкасбий фанларининг педагогик имкониятларини тадқиқ этиш;

умумкасбий фанларини ўқитишда талабаларнинг касбий тайёргарлигини фаоллаштиришга имкон берувчи педагогик дастурий воситаларни яратиш ва қўллаш;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларида моделлаштирувчи, ўргатувчи, назорат қилувчи педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш малакаларининг ривожланишини аниқлаш мезон ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари асосида касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш модели ва технологиясини ишлаб чиқиш, қўллаш ҳамда уларнинг самарадорлигини тажрибада аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга

тайёрлаш жараёни. Тадқиқот жараёнида олий таълим муассасаларининг 425 нафар талабаси иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари ва имкониятлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзуга оид илмий манбалар, дидактик материаллар, ДТС, ўқув режа ва дастурлари, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; суҳбат, кузатиш, анкета, тест, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба-синов; тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: таълим

жараёни компонентлари узвийлиги асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг билиш фаолиятини фаоллаштиришда замонавий ўқитиш воситаларининг (ўқув материални дифференциал тақдим этиш; ўқув материални таълим олувчилар тайёргарлиги даражасига қараб тақдим этиш; баҳолаш, бошқариш, турли шаклда назорат қилиш; интерфаол мулоқотни амалга ошириш) дидактик имкониятлари аниқланган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини ахборот-технологик тайёрлаш жараёнида илмий-педагогик ёндашувларга асосланган ҳолда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллашнинг методик тизими ишлаб чиқилган;

касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш алгоритмини такомиллаштириш асосида умумкасбий фанлар бўйича ўқув ахборотини кўргазмали-образли, изчил-манتيкий тарзда ҳавола этишни технологиялаш-тириш методи ишлаб чиқилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашга қўйилаётган замонавий дидактик ва методик талабларни амалга оширувчи, умумкасбий фанлар бўйича ўқув материалларини ҳавола этиш шакллари акс эттирувчи ҳамда интерфаол ўқув мулоқотини таъминловчи яхлит тизим сифатида ўқитишни модулли тузилма асосида ташкил этиш варианты яратилган;

Visual Basic ва Macromedia Flash дастурлари асосида мультимедиали ўқитиш платформаси имкониятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: олий таълим муассасаларида умумкасбий тайёргарлик фанларини ўқитишда касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган дидактик воситалар комплекси (виртуал лаборатория, мультимедиали электрон ўқув қўлланма, электрон ўқув-услубий мажмуа) яратилган (Давлат патент идораси гувоҳномалари - 6 та);

умумкасбий тайёргарлик фанларини мустақил ўрганишни таъминловчи интегратив (қисман-изланишли, продуктив, ижодий даражадаги)

топшириқлар тизими шакллантирилган ва уларни ечиш алгоритми тавсия этилган;

ўқитишда талабаларнинг касбий тайёргарлиги ривожланиши жараёнини амалда назорат қилиш имконини берувчи мезонлар ва кўрсаткичлар танланиб, баҳолаш воситалари сифатида фойдаланилган;

ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари асосида касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш модели ва технологияси ишлаб чиқилган; Visual Basic ва Macromedia Flash дастурлари асосида мультимедиали ўқитиш платформаси доирасида “Машина деталлари” фани бўйича виртуал лаборатория ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари

нинг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузулмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган технология, модел, яратилган виртуал лаборатория, мультимедиа электрон қўлланма, электрон ўқув-услугий мажмуа, яъни ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларидан олий таълим муассасаларида ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш, таълим жараёнларини тизимли-фаолиятӣ ёндашув асосида ташкил этиш, ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш, касб таълимини ривожлантиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан олий таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурларини тайёрлашда, касб таълими мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқишда, касб таълимида ноанъанавий усулда машғулотларни ташкил этишда, талабаларнинг олий ўқув юртини битирганидан кейинги фаолияти самарадорлиги оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Касб таълими ўқитувчисини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси бўйича олинган тадқиқотлар натижалари асосида:

таълим жараёнининг ташкилий-мақсадий, мазмунӣ, технологик, натижавӣ компонентлари узвий бирлигини таъминлаш асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг билиш фаолиятини фаоллаштиришда замонавий ўқитиш воситаларининг ўқув материални таълим олувчилар тайёргарлиги даражасига қараб тақдим этиш, билиш фаолиятини бошқариш, турли шаклда назорат қилиш, коррект персоналлаштирилган диалогни таъминлаш каби дидактик имкониятларидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 21 августдаги 303-сонли буйруғи билан

тасдиқланган 5111000–Касб таълими (Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси) бакалавриат таълим йуналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда ҳамда умумкасбий фанлар бўйича виртуал лаборатория яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 16 октябрдаги 89-03-2404-сон маълумотномаси).

Ишлаб чиқилган таклифлар бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида фанга оид билимлар ҳамда методик билим ва кўникмаларнинг интеграциясини таъминлашга хизмат қилади;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги

137-сонли буйруғи асосида такомиллаштирилган меъёрий ва услубий ҳужжатлар ҳамда замонавий ўқув адабиётларни яратиш ва таълим жараёнига жорий этиш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш мақсадида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий тайёрлаш сифат ва самарадорлигини оширишни таъминловчи ўқитишнинг замонавий дидактик воситасининг ташкилий-функционал тузилмаси компонентлари, умумкасбий ва методик интегратив билимлар (тизимлаштирилган маълумотлар, лаборатория ишланмалари ва умумкасбий характердаги интеллектуал топшириқлар) асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш модели Жиззах политехника институти, Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Бухоро муҳандислик-технология институти касб таълими йўналишида жорий этилиб, тажриба-синовдан ўтказилган. Натижада тажриба-синов гуруҳларида ўқув материални ўзлаштириш коэффиценти назорат гуруҳларидагидан 11% га, ўзлаштиришнинг мустаҳкамлик коэффиценти 8 % га ортган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 16 октябрдаги 89-03-2404-сон маълумотномаси). Мазкур модел бўлажак касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш сифатини такомиллаштиришга хизмат қилади;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашга қўйилаётган замонавий дидактик ва методик талабларни амалга оширувчи, умумкасбий фанлар бўйича ўқув материалларини ҳавола этиш шакллари акс эттирувчи ҳамда интерфаол ўқув мулоқотини таъминловчи яхлит тизим сифатида ўқитишни модулли тузилма асосида ташкил этиш варианты талабаларнинг касбий тайёргарлиги ривожланиши жараёнини ташхислаш мезонлари ва кўрсаткичлари, ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари асосида касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш технологияси компонентларидан республикамиз олий таълим муассасаларида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 16 октябрдаги 89-03-2404-сон маълумотномаси). Мазкур умумкасбий ва ихтисослик фанларидан яратилган мультимедиа электрон ўқув қўлланмалар, виртуал лаборатория ва ЭЎУМлар, интеллектуал ва интегратив топшириқлар олий таълим муассасалари касб таълими йўналишларида педагогик жараённи илмий асосда ташкил этишнинг методик асосларини такомиллаштиришга, кадрлар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 45 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун

тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола, 21 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўрт боб, 259 саҳифа матн, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган; муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган; тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти шакллантирилган; илмий янгилиги баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган; назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак касб таълими ўқитувчисини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш муаммосини тадқиқ қилишнинг назарий асослари”** номли биринчи бобида замонавий шароитида касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш муаммолари ва унинг касбий тайёргарлиги даражасига талаблар, касб таълимида ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллашнинг мавжуд ҳолати, ўзига хусусиятлари ва ҳал этиладиган техник технологик муаммолар, бўлажак касб таълими ўқитувчисини тайёрлашнинг педагогик асослари ёритилган.

Таълим тизимини ахборотлаштириш жараёни сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилмоқда, яъни ўқув жараёнини конструкциялаш ва бу жараён барча иштирокчиларининг ўзаро таъсирини ташкил этиш учун ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларидан фойдаланиш масаласи муваффақиётли ҳал этилмоқда. Аммо ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларининг янги турларининг пайдо бўлиши ва мазмунининг янгилалиши ахборотлаштириш шароитида ўқув-тарбия жараёнига қўйилаётган доимий ўзгарувчан талабларга ҳамма вақт ҳам мос келавермайди. Шунинг учун бўлажак ўқитувчиларни, шу жумладан бўлажак касб таълими ўқитувчиларини ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларидан нафақат фойдаланишга, балки ўқув машғулотларини лойиҳалаш ва ўтказиш жараёнида қўлланиладиган электрон ўқув-методик материлларни ишлаб чиқишга тайёрлаш зарурияти юзага келди.

Ҳозирги шароитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларидан қуйидаги касбий ва шахсий сифатлар талаб этилади: ўзгарувчан ҳаётий вазиятларга

тез мослаша олиш, мулоқотмандлик ва жамоада ишлай ишлай билиш; ҳозирги замон ишлаб чиқариш технологиясини яхши билиш, янги билимларни мустақил эгаллай олиш; ахборот технологияси ва ахборотлардан тўғри фойдалана олиш, телекоммуникацион воситалар ёрдамида зарурий маълумотларни излаб топиш; ақлий имкониятларни

ривожлантириш, умумий маданиятини ошириш қобилиятига эга бўлиш; ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологиясига оид асосий ёндашувлар, тамойиллар, талаблар, шунингдек ахборотларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва узатишни билиш (компьютер воситаларидан фойдаланиш маданияти); касбий ва ўқув-тарбиявий масалаларини ечиш учун ўқитишнинг ҳар қандай дидактик воситаларидан унумли фойдаланиш; замонавий ўқитиш воситаларини яратиш ва қўллаш, ахборот-таълим ресурсларини излаш, таҳлил этиш ва танлаш кўникмасини шакллантириш, ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари асосида таълим оловчилар ва ўқитиш тизимлари ўртасида интерфаол мулоқотни ташкил этиш, шахслараро мулоқотга киришиш ва бошқалар.

Қайд этилган шахсий ва касбий сифатларни шакллантиришда касбий таълим йўналишлари ўқув режасида ўрганиш кўзда тутилган умумкасбий тайёргарлик фанлари (“Материаллар қаршилиги”, “Машина ва механизмлар назарияси”, “Машина деталлари”) муҳим ўрин тутди. Умумкасбий тайёргарлик фанларини ўқитиш мураккаб педагогик жараён бўлиб, у ҳам умумий, ҳам ўзига хос қонуниятлар билан ифодаланади. Уларни ўқитиш назарий ва амалий қисмларга бўлинади.

Назарий таълимнинг асосий масалалари қуйидагилар ҳисобланади: умумкасбий тайёргарлик фанлари бўйича илмий билимларни эгаллаш; фан, техника, янги ахборот технологиялари ва ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид билимлар тизимини шакллантириш; техник фикрлашни ривожлантириш; таълим оловчиларда меҳнат маданияти ва кўникмаларини ривожлантириш.

Амалий таълимнинг асосий вазифалари қуйидагилар: техник ва касбий билим, кўникма ва малакалар тизимини шакллантириш; компьютер техникаси билан ишлаш; педагогик фаолиятда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини қўллаш; техник фикрлаш ва ижодий фаолликни мунтазам ривожлантириш; меҳнат маданияти ва педагогик ташкилотчилик малакаларини шакллантириш. Тажрибанинг кўрсатишича, уларни ўқитишни амалий йўналганлик, интегративлик, узлуксизлик ва узвийлик тамойили, вариативлик, табиатга мослик, илмийлик, тушунарлилик, кўргазмалилик каби тамойиллар асосида ташкил этиш самарали натижалар беради.

Кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва амалда қўллаш билан узвий боғлиқ. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот жараёнида умумкасбий тайёргарлик фанларини ўқитишда ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари имкониятларидан фойдаланиш унинг назарий масалалари ва амалий вазифаларни ҳал этишга, яъни таълим жараёнини жадаллаштириш,

шунингдек талабаларнинг ақлий қобилиятини ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштириш, билимларни мустақил эгаллаш методикаларини ишлаб чиқишга замин яратиши асосланди.

Умумкасбий фанларини ўргатишда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини ўқув фаолиятининг қуйидаги турларида қўллаш имкониятлари аниқланди: янги назарий материалларни ўрганиш ва баён этишда; компьютер дастурларидан фойдаланиб виртуал лаборатория ишларини ўтказишда; ўрганилган ўқув материални мустаҳкамлаш, назорат қилиш ва текширишда; талабаларнинг мустақил ишларида; очик дарслар, телеконференциялар, аудиоконференциялар, намунавий машғулотларни ўтказишда; амалий машғулотларда.

Умумкасбий тайёргарлик фанлари бўйича ўқитишнинг дидактик воситаларини яратишнинг истиқболли йўналишлари қуйидагилардан иборат эканлиги аниқланди: техник объектларнинг бутун синфининг умумлашган ахборот моделини яратиш; таълим тренажёрлари ва имитацион моделлар, шу жумладан виртуал моделлар яратиш. Шунингдек, ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратишда таркиби ва ишлаш усули бўйича хилма-хил ва мураккаб техник қурилма ва тизимларнинг назарий асосларини қулай ва тушунарли тарзда тақдим этиш ҳам муҳим эканлиги асосланди.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, бўлажак касб таълими ўқитувчисини ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари асосида умумкасбий тайёргарлик фанлари бўйича касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини тўлақонли очиб бериш ва таълимдаги тенденцияларни эътиборга олиб, янги педагогик дастурий воситаларни ишлаб чиқиш масаласини ҳал этиш долзарб педагогик вазифа ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари асосида умумкасбий фанларни ўрганишга концептуал ёндашув”** деб номланган иккинчи бобида бўлажак касб таълими ўқитувчисини тайёрлашда умумкасбий фанлар мазмунини танлаш ва уларни ўрганишда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларининг имкониятлари, замонавий ўқитиш технологиялари ва воситалари асосида умумкасбий тайёргарлик фанларни ўқитишнинг концептуал асослари, умумкасбий фанларни ўқитишда бўлажак касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш мазмуни ва унинг мантикий-тузилмавий схемаси хусусида сўз юритилган.

Тадқиқот жараёнида олий таълим муассасалари касб таълими йўналишлари ўқув режасида кўзда тутилган умумкасбий тайёргарлик фанларини ўқитишда замонавий дидактик воситалардан фойдаланиш қуйидагиларга имкон бериши аниқланди: таълим жараёнини автоматлаш тирилган маълумотлар базалари ёрдамида бошқариш, ахборот воситалари ва технологиялари билан таъминлаш; таълим мазмуни, методлари ва ташкилий шакллари танлаш технологиясини такомиллаштириш; бўлажак касб таълими ўқитувчиларини ақлий ривожлантиришга, уларда мустақил таълим олиш, ахборот излаш, тажрибалар ўтказиш, тадқиқотлар

олиб бориш қобилятини шакллантиришга йўналтирилган методикаларни яратиш; бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг билим даражасини

объектив, тизимли ва тезкор назорат қилиш ва баҳолашга имкон берувчи тестлар ва диагностик методикаларни ишлаб чиқиш; бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг тайёргарлигини ривожлантириш, билимларни мустақил эгаллаш, ахборотларни қайта ишлаш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ўқитиш технологияларини яратиш.

Педагогик кузатишлар олий таълим муассасаларининг касб таълими йўналишларида умумкасбий фанларини ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари асосида ўрганишда мустақил таълим олиш ташкилий-методик жиҳатдан, шунингдек педагогик жараён самарадорлигини баҳолаш усулларида кўра анъанавий ўқитиш тизимидан анча афзал эканлигини кўрсатди. Умумкасбий тайёргарлик фанларини ўқитишнинг анъанавий тизими ва замонавий дидактик воситалари асосида мустақил ўрганиш тизимлари ўртасидаги фарқни аниқлаш мақсадида улар ўқитувчи ва талабанинг ўзаро муносабати ва тамойиллар даражасида, назорат ва таҳлил даражасида қиёсий таҳлил этилди.

Касб таълими ўқитувчисини тайёрлашда умумкасбий фанларни ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари асосида мустақил ўрганишнинг концептуал асослари “Матераллар қаршилиги” ўқув курси мисолида аниқлаштирилди. Улар қаторига қуйидагиларни қўшиш мумкин: таълим олувчиларнинг ижодкорлик фаолиятини фаоллаштириш ва индивидуал афзалликларини ҳисобга олиш, бўлажак касб таълими ўқитувчисининг амалий фаолиятида ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини қўллаган ҳолда касбий масалаларни ечишга тайёргарлигини шакллантириш; касбий компетенцияларни мукамал эгаллаган, ижодий қобилиятга эга рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш, умумкасбий фанларни ўзлаштиришнинг режалаштирилган натижасини белгилаш: ишчи ҳужжатларни яратиш жараёнида техник объектларнинг ҳар хил турлари ҳақида ахборотларни тақдим этиш бўйича билимларни қўллаш; лойиҳалаш ишларини амалга оширишда моделлаштириш ва лойиҳалаш бўйича ўзлаштирилган билим ва методларни қўллаш.

Жамиятимиздаги ҳозирги муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий ўзгаришлар бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш муаммосига комплекс ёндашиш зарурлигини тақозо этади. Бунинг асосига олган ҳолда, ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш бўйича ишни ташкил этишга тизимли ёндашилди. Тизимли ёндашув ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратишнинг изчиллиги ва тартибини, босқичларини аниқлашга ёрдам берди. Ишнинг ҳар бир босқичи (ташкилий характердаги босқичдан ташқари) маълум ўқув-дастурий-ҳужжатни тузиш билан яқунланди.

Ҳар бир босқични жорий этиш таркибига қуйидаги амаллар киритилди: малакали мутахассислар тайёрлаш мақсади ва вазифаларини аниқлаш ҳамда батафсил тавсифлаш; белгиланган мақсадларни амалга ошириш шарт-шароитлари, воситалари ва усуллари таҳлил этиш; ишни

режалаштириш; ишни ташкил этиш ҳамда бажариш; ўзини-ўзи назорат қилиш ва натижа-ларни текшириш. Умумқасбий фан дастурини аниқлаштириш унинг тематик компонентларида ажратиб кўрсатилган масалаларни, ҳажмий характери-каларини баҳолашни ва ўқув материалининг иерархик даражалари билан белгиланадиган тузилмавий бирликлари мазмунини аниқлашни тақозо этди. Ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларининг тузилмавий бирликлари номи ўқув материалининг иерархик даражаларига мос ҳолда танланди.

Диссертациянинг **“Ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва уларни қўллашнинг илмий-педагогик аспекти”** деб номланган учинчи бобида ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш технологияси асослари, ғоялари, тамойиллари, педагогик шарт-шароитлари бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мультимедиа-электрон ўқув қўлланмалар ва виртуал лабораториялар яратиш технологияси, ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари асосида бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий фаолиятга тайёрлаш модели, электрон ўқув-методик мажмуани лойиҳалаш босқичлари очиқ берилган.

Ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари-дастурий восита ёки (дастурий мажмуа) муайян педагогик вазифаларни ҳал этиш учун мўлжалланган, предмет мазмунга эга ва таълим олувчи билан ўзаро таъсирлашишга йўналтирилган дастурий-техник мажмуадир.

Замонавий педагогик психология ва дидактикадаги турли ёндошувларни ҳисобга олиб, биз бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш жараёнини ўзаро боғлиқ мотивацион-қадрият, когнитив ва операцион-фаолият компонентларни бирлаштирган яхлит ривожланувчи таълим сифатида белгиладик.

